

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИ МАКРО ВА МИКРО ТАКСИМОТИ ИНСТРУМЕНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

**Маматов Акмалжон Анваржонович**

*“Агробанк” АТБ HR департаменти бошқарма бошлиғи*

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:** тижорат банк, актив, банк, кредит, маблағ, макромухит.

### Аннотация

Мақолада, тижорат банклари активларини макро ва микро таксимоти инструментларини қўллашнинг асосий жиҳатларининг долзарб муаммолари тадқиқ этилган. Шунингдек, банк тизимига масофавий банк хизматларининг хориж тажрибасини татбиқ этиш бўйича илмий амалий таклифлар ишлаб чиқилган бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий хулосалар шакллантирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

### Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон, шунингдек 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармонларида банк тизими, шу жумладан тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантириш ва банк хизматлари турларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатнинг макроиқтисодий ўсишни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини юксалтириш, шунингдек, молиявий хизматлар бозорида фаол иштирок этаётган тижорат банкларининг ҳам ўзига хос муҳим ўрни бор. Дарҳақиқат, бугунги кунда барча турдаги тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, ўзининг кредит маблағларини тақдим этиб аҳолини истеъмол кредитлари билан таъминлашдаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Шу боис, иқтисодиётнинг реал тармоқларини молиялаштиришда банк муассасаларининг иштирокини янада ошириш, айниқса, тижорат банклари фаолиятини бунданда ошириш соҳа олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатлари Ларионова томонидан банк активларини вазифалари, ликвидлиги, риск даражаси, жойлаштириш муддати ва субъектига қараб таснифлашни таклиф этилган.

Шунингдек, турли соҳаларда банк фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари қуйидаги олимлар илмий тадқиқотларида аниқланди: Лаврушин тадқиқотнинг турли

йўналишлари бўйича тижорат банкларининг самарадорлигини таҳлил қилди, банкларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича комплекс ёндашув ва банклараро рақобат шароитида банк самарадорлиги кўрсаткичлари тизимини таклиф этган.

Тадқиқотларимиз натижасида маълум бўлишича, банк активлари самарадорлигини таъминлаш муаммолари доирасида республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари ҳам илмий изланишларида ўз қарашларини билдиришган. Хусусан, республикамизда банк активлари самарадорлигини ошириш борасида банкларда кредит тизими ва сиёсатини ривожлантириш бўйича Каримов, Эрматовлар, банк қимматли қоғозлари билан боғлиқ амалиётларни ривожлантириш бўйича Хамидулин, Абдуллаев, Насировлар, банк актив амалиётлари билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш бўйича Алиқориев, Мустафоев банк активлари ликвидлигини таъминлаш бўйича Тожиев, Саттаровлар, банк активлари билан боғлиқ рискларни барқарорлаштириш бўйича Кифак, Каримовлар илмий изланишлар олиб боришган.

Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банклар активлари самарадорлигини ошириш омилларига илмий-услубий ягона ёндашув мавжуд эмас. Айниқса тижорат банклари активлари сифатини интенсификациялаш бўйича амалий ва услубий муаммолари, соғлом банк активлари портфелини шаклланишининг муҳим мезонлари ва тамойиллари тадқиқи, тижорат банклар тизимида инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматларидан самарали фойдаланиш механизмлари ҳамда тижорат банклари активларини ҳимоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий муаммолари чуқур ўрганилмаган. Ушбу масалаларни миллий иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида тадқиқ этиш, илмий-услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунини танлашга замин яратди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатларини хорижий иқтисодчи олимлар Р.Нагле, Н. Йин, К.Омбаба, А.Кхалид, Ж.Мичаел, Р. Левине, А. Абата, К. Барлтроп, Д. Мак Нотон, К. Скиннер, шу жумладан Россия иқтисодчи олимлари Г.Г.Коробова, Р.А.Карпова, А.Ф.Рябова, В.А.Ларионова, Г.Ж.Курдюмов, Е.А.Нестеренко, С.А.Шульков кабилар томонидан банк активларини вазифалари, ликвидлиги, риск даражаси, жойлаштириш муддати ва субъектига қараб таснифлашни таклиф этилган.

Шунингдек, турли соҳаларда банк фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари куйидаги олимлар илмий тадқиқотларида аниқланди: М. Фаррелл, К.В. Толчина, Г.Д. Лепекин, С.Р. Моисеева, С.В. Голован, Р. Баширова ва бошқалар тадқиқотнинг турли йўналишлари бўйича тижорат банкларининг самарадорлигини таҳлил қилдилар, банкнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича комплекс ёндашув ва банклараро рақобат шароитида банк самарадорлиги кўрсаткичлари тизимини таклиф этганлар.

Изланишларимиз натижасида маълум бўлишича, банк активлари самарадорлигини таъминлаш муаммолари доирасида республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари ҳам илмий изланишларида ўз қарашларини билдиришган. Хусусан, республикамизда банк активлари самарадорлигини ошириш борасида банкларда кредит тизими ва сиёсатини ривожлантириш бўйича Хамидулин М.Б., Каримов Н.Ф., Иминов О.К., Ш.Абдуллаева, Умарова З.С., Мухамеджанов К.А., Саидов Д.А., Пулатов Д.Х., Азизов У.Ў., Бердияров Б.Т., Абдуғаниев Б.А., Тухтабаев У.А., Қуллиев И.Я., Жиянова Н.Э., Элмурадов М.Х., Тўхсанов Х.А., Юнусов Р.М., Каримова З.Х., Сидикова З.К., Тошматов Қ.Ф., Хожибоев М.Ш., Суюнова Д.Ж., Сайпидинов И.М., Кузиева Н.Р.лар, банкнинг валюта активлари бўйича амалиётларни ривожлантириш бўйича Бобакулов Т.И., Максумов Э.М., Рустамова А.Б.лар, банк қимматли қоғозлари билан боғлиқ амалиётларни ривожлантириш бўйича Хамидулин М.Б., Абдуллаев М.А., Насиров Э.И., Юлдашев Ф.А., Абдуллаев С.П.лар, банк актив амалиётлари билан боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш бўйича Алиқориев О.Ф., Мустафоев З., Мирзамайдинов Б.К., Абдурахманова

М.М.лар, банк активлари ликвидлигини таъминлаш бўйича Тожиев Р.Р., Саттаров О.Б.лар, банк активлари билан боғлиқ рискларни барқарорлаштириш бўйича Кифак А.А., Муминова Э.А., Идиев Н.Ф., Насриддинов Ф.Н., Каримов Н.Ф., Пшеничников В.В.лар, банк актив амалиётларини прогнозлашнинг эконометрик усулларини ривожлантириш бўйича Отажонов У.А., Джураев Ю.Э.лар, банк актив амалиётлари назоратини такомиллаштириш бўйича Каримов Н.Ф., Эрматов М.К., Йўлдошев О.А., Дадабаева Х.Ф., Абдусаламова О.Ф.лар илмий изланишлар олиб боришган.

Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банклар активлари самарадорлигини ошириш омилларига илмий-услубий ягона ёндашув мавжуд эмас. Айниқса тижорат банклари активлари сифатини интенсив оширишнинг амалий ва услубий муаммолари, соғлом банк активлари портфелини шаклланишининг муҳим мезонлари ва тамойиллари тадқиқи, тижорат банклар тизимида инновацион дастурий таъминот ва махсус платформалар хизматларидан самарали фойдаланиш механизмлари ҳамда тижорат банклари активларини ҳимоялашда рискларни бошқаришнинг амалий ва услубий муаммолари чуқур ўрганилмаган. Ушбу масалаларни миллий иқтисодий диверсификациялаш шароитида тадқиқ этиш, илмий-услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунини танлашга замин яратди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари тармоғини кенгайтириш улар ўртасида депозитлар, банклараро кредит ва бошқа ресурсларни жалб этиш учун рақобатни юзага келтиради.

Кенг маънода пассив операцияларни бошқариш, омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб этиш ва мазкур банк учун маблағлар тегишли комбинациясини белгилаш билан боғлиқ фаолиятдир. Тор маънода эса, пассив операцияларини бошқариш деганда, заруриятга кўра қарз маблағларини фаол равишда топиш йўли билан ликвидликка бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Пассив операцияларни бошқаришда банк кўшимча риск қилишдан ташқари, маблағларни жалб этиш харажатлари билан ушбу маблағларни қарзлар ва қимматли қоғозларга жойлаштиришдан олинishi мумкин бўлган даромад ўртасидаги нисбатни эътиборга олиши керак.

Чунки, актив ва пассив операцияларни бошқариш ўртасидаги ўзаро алоқа банкнинг фойда кўриши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ресурслар негизи банк фаолияти учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Бизга маълумки, тижорат банклари актив операцияларини ўзларида мавжуд бўлган ҳамда жалб этилган пул маблағлари манбалари доирасидагина амалга оширилади.

Бинобарин, айти банкнинг пассив операциялари унинг актив операцияларининг ҳажми ва миқёсини белгилайди. Банк пассивларини шакллантириш ва мақбуллаштириш жараёни, тижорат банкларининг ресурс салоҳиятини ташкил этадиган пул маблағлари барча манбаларини бошқариш сифатида муҳим аҳамият касб этади. Банклар барқарор ресурслар потенциалини ошириб бориш учун қарз маблағларини кенг жалб этадилар.

Қарз маблағлари ҳисобига активлар жами миқдорининг 80 фоиздан кўпроғи шаклланади. Банк операцияларидан олинadиган нисбатан юқори бўлмаган фойда арзонгина қарз маблағларидан, шу жумладан депозитлардан фойдаланиш пировард натижасида акциядорларнинг мақбул даромад олишларини таъминлайдиган миқдорга етиши керак.


Албатта, қарз маблағларини жамлаш имконияти кўп жиҳатдан қўйидаги ташқи омилларга:

- иқтисодий фаоллик даражасига;
- минтақанинг ривожланганлик даражасига;

- муқобил қўйилмалар имкониятларига;
- Инфляция юзасидан қилинадиган тахминларга ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Шуни айтиш керакки, тижорат банклари ўз фаолиятларини доимо турли иқтисодий субъектлар орасида бўлиб ўтадиган турли-хил иқтисодий алоқаларнинг ўзгарувчан шарт-шароитларида олиб боришади. Бундай алоқаларнинг умумийлиги тижорат банкларининг иш фаолиятини юзага келтиради ва бу фаолият ўз таъсирини тижорат банкларининг иш олиб бориш характери ҳамда барқарорлигини кўрсатади.

Тижорат банкларининг фаолият олиб бориш муҳити икки хил йўналишда кўриб чиқилади: макромуҳит (банкнинг ташқи муҳитдаги фаолияти), микромуҳит (банкнинг ички муҳитдаги фаолияти).




**1-расм. Тижорат банкининг макромуҳит концепцияси.**

Макромуҳит тушунчаси (1-расм), банкнинг ташқи омиллар билан бўлиб ўтадиган кенг алоқаларидан келиб чиқади. Бундай алоқалар банк учун ташқи муҳит ташкил қилади ва унга қуйидаги шарт-шароитлар: узлуксиз давом этиб келаётган иқтисодий шароит, табиий шароит, илм-фан-техник шароит, демографик шароит, маданий шароит ва бошқалар киради.

Банкнинг микромуҳити унинг ўз ички фаолиятидан келиб чиқади, шу билан бирга бу ерда: банкнинг хизмат турлари, ҳисоб-китоб турлари, тўлов усуллари маҳсулот етказиб берувчилар, воситачилар, мижозлар ва банкнинг ўз ходимлари уларнинг касб маҳоратлари ва банклар инobatга олинади.

Тижорат банклари турли хил хизматлар кўрсатишга ихтисослашиб; ўз олдиларига турли хил масалалар қўйиб, уларни ҳал қилишга ҳаракат қилишади ва бунинг натижасида уларнинг ташкилий тузилмаси бир меъёрда сақланиб турмаслиги юзага келиши мумкин.



**2- расм. Тижорат банкининг микромуҳит концепцияси**

Банкнинг микромуҳитида (2-расм), мижозлар муҳим ўрин тутаяди. Мижозларнинг қай даражада банк учун фойдалилиги ҳамда таркиблаштирилганлиги банкка молиявий ресурсларнинг жалб қилиниши ва уларнинг сифатли жойлаштирилишига имкон беради ва банкнинг иш унумини таъминлайди.

Банкнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан бўлган ўзаро алоқалари доимий бўлмаслиги мумкин, чунки тижорат банки кундалик иш фаолиятида ишлатиш учун зарур бўлган компьютер жихозлари, канцелярия буюмлари, пломбалар ва бошқа жихозларни маҳсулот етказиб берувчидан доимий равишда сотиб олмайди, лекин шунга қарамасдан туриб банк ва маҳсулот етказиб берувчилар орасида алоқалар доимий равишда мутаносиб ушланиб туриши керак.

Банклар ўз фаолияти давомида икки турдаги воситачилар билан фаолият олиб борилиши мумкин. Буларнинг биринчиси, маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўлса; иккинчисига молия-кредит муассасалари билан узвий боғлиқликдаги қуйидаги уч йўналишда:

1. Қимматли қоғозлар билан олиб бориладиган операциялар;
2. Бажарилаётган молиявий операцияларни суғурталаш;
3. Кредит ресурсларини сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ операциялар киради.

Кўп тижорат банклари ўз иш фаолиятларини рақиблар орасида олиб боришади. Охириги йилларда банкларнинг ривожланиб кетиши улар орасида рақобатнинг ўсишига сабаб бўлди. Бу эса, нафақат бозор ва мижозлар фаолиятини ўрганиб чиқиш, балки рақиблар фаолиятини ҳам доимий равишда ўрганиб боришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунларда, банклар яхши обрўга эга бўлиши ва максимал фойда олиш учун ўз рақибларини ўрганишга кўп вақт ва маблағ сарфлашмоқда.


Шундай қилиб, тижорат банкларининг пасивларини бошқариш кредит муассасаси фаолиятининг жуда муҳим йўналиши саналади.

Миллий ва жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришнинг таъсирчан механизмларини ҳаракатга келтиришда доимо банкларнинг роли юқори ҳисобланади. Бундай таъсир даражаси иқтисодиётда банк активларининг тақсимоли инструментларини амал қилиши жараёнида намоён бўлади.

Қуйидаги 3-расмда кўриниб турибдики, 2018 йилдан бошлаб, асосий ставкани 9 фоиздан 14 фоизга оширилган бўлсада кредитлар ҳажмини бир маромда ўсишини таъминлаган.

Ушбу фикримизнинг яққол далилини Марказий банк томонидан асосий ставкани фозини белгиланиши мисолида кўришимиз мумкин.

**3-расм. Ўзбекистон банкларида ажратилган кредитлар ҳажми ва қайта молиялаш ставкаси ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик динамикаси**



Асосий ставканинг босқичма-босқич ўзгариб бориши тижорат банклари кредитларининг арзонлашиши ёки қимматлашишига, шу орқали хўжалик субъектларининг ўз маблағларини инвестициявий активларга қайта йўналтиришга имкон беради.

Асосий ставка пул бозоридаги асосий кўрсаткич сифатида иқтисодиётда кредит маблағлари бўйича фозиз ставкасига таъсир қилувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Асосий ставкадан пул бозоридаги фозиз ставкаларини бошқариш ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг миқёсда фойдаланилади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ривожланган ва бир қатор ривожланаётган мамлакатлар амалиётида ҳам асосий ставкадан сўнгги йилларда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирларини енгиллаштириш мақсадида миллий иқтисодиётнинг инвестициявий салоҳиятини кучайтирувчи муҳим регулятив восита сифатида фаол фойдаланилмоқда.

Республикамиз тижорат банкларида кредитларнинг даромадлилик даражасининг нобарқарорлигига сабаб бўлган асосий омиллар, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, муддати ўтган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг кўпайиш тенденциясига эга эканлиги. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг ўсиш суръати бир неча марта кузатилди.

Иккинчидан, тижорат банклари активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг тез-тез ўзгариш тенденциясининг мавжудлиги. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, муддати ўтган кредитлар миқдорининг ўсиш суръатига эга эканлиги, кредитларнинг ўртача фозиз ставкасининг пасайиш тенденциясининг мавжудлиги, брутто-кредитларнинг мутлақ суммада ўсиш суръатининг юқори эканлиги, пировард натижада, брутто-кредитларнинг ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фозизларнинг ўсиш суръати ўртасидаги номутаносибликни юзага келтирди.

Учинчидан, тижорат банклари активлари ва пасивларини бошқаришда асосан фиксирланган

фоиз ставкаларининг қўлланилиши сабабли банкларнинг бозор конъюктурасининг ўзгаришига тезда мослашиш ва даромадини ошириш имконияти анчагина мураккаблиги.

Тўртинчидан, тижорат банклари амалиётида актив операцияларида асосий ставкадан келиб чиққан ҳолда фоиз белгилаш амалиётининг кенг тарқалганлиги. Ваҳоланки, асосий ставка фақатгина кредит ресурслари бозоридан сотиб олинган ресурслар ҳисобидан амалга ошириладиган актив операцияларда қўлланилиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “ 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони.
3. Абдуллаев М.А. (2002) Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси.-Т.:
4. Алиқориев О.Ф. (2011) Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Номзодлик диссертацияси.-Т.:
5. Каримов Н.Ф. (2008) Тижорат банкларида аудитни ташкил қилиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари. Докторлик диссертацияси.-Т.:
6. Каримов Н.Ф. (2008) Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. Докторлик диссертацияси.-Т.:
7. Кифак А.А. (2015) Измерение риска в целях регулирования национальных банковских систем в условиях современных кризисных вызовов. Дис. канд. экон.наук.
8. Ларионова И.В. (2003) Управление активами и пассивами в коммерческом банке. Москва: Консалтгбанк- 272 с.;
9. Лаврушин О.И. (2008) Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. – 4-е изд., стереотип. – М.: КНОРУС– 264с.;
10. Мустафоев З. (1998) Банк маркетинги-молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси. Номзодлик диссертацияси.-Т.
11. Насиров Э.И. (2006) Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари. Номзодлик диссертацияси.-Т.
12. Эрматов М.К. (2008) CAMEL рейтинг тизими ва банк аудитини такомиллаштириш муаммолари. Номзодлик диссертацияси.-Т.: